


Иш № 2-113-2014  
Кассация инстанциясида  
маърузачи: судья Т.Туракулов

Биринчи инстанция судининг  
судьяси: Д.Тожибоев

## ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА НАМАНГАН ВИЛОЯТ СУДИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2019 йил сентябрь ойининг 13 куни, жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди кассация инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи шу суд раисининг ўринбосари Т.Туракулов, ҳайъат судьялари А.Муминов, Д.Ахмадалиевадан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ж.Абдимиталовнинг котиблигида, Наманган вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори О.Жўраев, маҳкума И.Илхомованинг ҳимоячиси адвокат А.Нормирзаевнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг 2014 йил 29 октябрдаги ҳукмига кўра, судланган



оид жиноят ишини маҳкума И.Илхомованинг кассация шикоятига асосан кўриб чиқиб, қўйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг 2014 йил 29 октябрдаги ҳукмига кўра, И.Илхомовага Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми “в” банди билан 57-моддаси қўлланиб 12 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жазони 2014 йил 23 майдан бошлаб ҳисоблаб, умумий тартибли колонияларда ўтатирилиши белгиланган.

Маҳкум И.Илхомовани 2012 йил 15 июлда туғилган фарзанди Ибрагимов Жохонгир Абдумалик ўғлига васий тайинлаш Наманган шаҳар ХТМФМТ ва ТЭ бўлими қошидаги васийлик ва хомийлик органига юклатиш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, И.Илхомова 2014 йил 22 май куни соат 3 ларда шаръий никоҳ асосида бирга яшаб келаётган турмуш ўртоғи А.Ибрагимов билан Наманган шаҳар, Мустақилликнинг беш йиллиги маҳалласи, Достон кўчаси, 31-уйда ўзаро жанжалашиб қолиб, А.Ибрагимовни маст ҳолатда ва 2-гурух ногирони эканлигини билгани ҳолда ожиз ахволдаги А.Ибрагимовни қасддан ўлдириш мақсадида яшаш

хонадонидаги рўзғорда ишлатиладиган ош пичоқни олиб келиб, А.Ибрагимовни ҳаёт учун хавфли бўлган бўйин, қорин, қўл ва оёқ сохаларига 13 маротаба уриб, қасддан ўлдирган.

Шундан сўнг, И.Илхомова содир этган жиноятини яшириш мақсадида А.Ибрагимовни жасадини яшаш уйи ертўласига олиб тушиб, целлофан қопларга ўраб, соат 22 ларга қадар сақлаган ва шундан сўнг таниши Ф.Мадрахимовни кўнғироқ қилиб чақирган. Ф.Мадрахимов етиб келгандан укаси вояга етмаган М.Боймирзаевни уйғотиб, уни ёрдамида жасадни Ф.Мадрахимовни ВАЗ-2106 автомашинаси юкхонасига юклаб, Наманган канали олдига олиб келиб, Ф.Мадрахимовга автомашина юкхонасидаги қопни каналга ташлашда ёрдам беришини сўраганида Ф.Мадрахимов қопни кўтарган вақтида одам жасади борлигини билиб қолиб, уни сувга ташлашдан бош тортиб, жасадни автомашина юкхонасида қолдириб, И.Илхомовани яшаш хонадонига ташлаб кетган. И.Илхомова А.Ибрагимовни жасади солинган қопни судраб, олдиндан қовлаб қўйилган чуқурга ташлаб, кўмган вақтида ушланганликда айбли деб топилган.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг 2014 йил 3 декабрдаги ажримига кўра, И.Илхомовага нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 14 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 6-банди “б” кичик банди тадбиқ этилиб, суд ҳукми билан тайинланган 12 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисми тўртдан бир қисмига қисқартирилган.

Маҳкума И.Илхомова кассация шикоятда шаръий никоҳда бўлган турмуш ўртоғи А.Ибрагимовни қасддан ўлдириш мақсади бўлмагани, ундан ҳимояланиб, шу ишни қилиб қўйгани инобатга олинмаганини кўрсатиб, оилавий шароити оғирлиги, соғлиги ёмонлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини ҳисобга олиб, ўталмай қолган жазо муддатини очикдаги енгил жазо турига алмаштириб беришни сўраган.

Жабрланувчининг қонуний вакили Р.Тожибоева ўз эътирозномасида шикоятга эътирози йўқлигини билдирган.

Судлов ҳайъати иш бўйича вилоят суди раисининг ўринбосари Т.Туракуловнинг маърузасини, ҳимоячи А.Нормирзаевнинг шикоятни қувватлаб, қаноатлантириш, прокурор О.Жўраевнинг ҳукми ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятдаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра ҳукми ўзгаришсиз қолдириб, шикоятни қаноатлантирмасликни лозим топди.

И.Илхомованинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этгани, унинг судда айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган ва жабрланувчининг қонуний вакили Р.Тожибоева, гувоҳлар Ф.Мадрахимов, М.Боймирзаевнинг суддаги кўрсатувлари, суд мажлисида текширилган воқеа жойини кўздан кечириш, нарсани олиш ва кўздан кечириш, кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш, ашёвий далилларни

олиш баённомалари, фотосуратлар, суд тиббий, биологик, психиатрия экспертизалари хулосаси ҳамда ҳукмда баён этилган жиноят ишидаги далиллар мажмуи билан исботланган.

Суд иш ҳолатларини тўғри аниқлаб, И.Илхомованинг турмуш ўртоғи А.Ибрагимовни 2-гуруҳ ногирони ва маст ҳолатда эканлигини билгани ҳолда ожиз аҳволдаги А.Ибрагимовни ҳаёти учун хавfli бўлган бўйин, қорин, қўл ва оёқ сохаларига 13 маротаба уриб, қасддан ўлдирган ҳаракатларини ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в” банди билан билан тўғри квалификация қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қароридаги тушунтиришларга риоя қилиб, жазосини енгиллаштирувчи ҳолатларни содир этган жиноятини ижтимоий хавfliлик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, шахсига оид маълумотларни инобатга олиб, у айбланган ЖК моддаси билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида назарда тутилганидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, асосли хулосага келгани сабабли, судлов ҳайъати унинг шикоятда келтирилган ўталмай қолган жазо муддатини очикдаги енгил жазо турига алмаштириб бериш ҳақидаги вазлар билан келишмади.

Маҳкума И.Илхомованинг шикоятда келтирилган турмуш ўртоғи А.Ибрагимовни қасддан ўлдириш мақсади бўлмагани, ундан ҳимояланиб, шу ишни қилиб қўйгани инобатга олинмагани ҳақидаги вазлар:

унинг ўзини суддаги, ногирон эканлигини билган турмуш ўртоғи А.Ибрагимов дастаси қизил рангли пичоқни ёстиғи остига қўйиб, ухлаб қолганидан сўнг, пичоқни тикиб олмаслиги учун ёстиғи тагидан олганида у уйғониб кетгани ва нима қилаётганини айтиб, қўлига тепиб юборгани, шунда ўзини жахли чиқиб, уни қорин қисмига икки маротаба пичоқ тикиб олгани, у яна тепишни давом эттиргани сабабли, у билан уришиб ва нима қилаётганини билмай, ётган ҳолатида уни бир неча жойига пичоқ кириб кетгани, жахли чиқиб кетиб айнан қаерларига, неча маротаба пичоқ урганлигини эслай олмаслиги, бир оздан сўнг А.Ибрагимовни ўлганини билиб, жасаддан қутилиш мақсадида, тагидаги кўрпа билан судраб ертўлага олиб тушиб, у ерда оқ сурп ва пилиэтиленга ўраб, устидан қоп кийгизиб, кечги пайт каналга ташлаб юбориш учун тайёрлаб қўйгани, сўнг таниши Ф.Мадрахимовни қўнғироқ қилиб чақиргани, соат 22 ларда Ф.Мадрахимов келгани, укаси М.Боймирзаевга қопни автомашинага юклашиб қўйишини айтгани, Ф.Мадрахимовга турмуш ўртоғи А.Ибрагимов ўғирлаб келган автомашина эҳтиёт қисмларини каналга ташлаб юборишни айтгани, сўнг Оромгоҳ даҳасидаги Наманган канали ёнига боришгани, қопни Ф.Мадрахимов билан тушираётган вақтида Ф.Мадрахимов қопнинг ичида одам жасади борлигини билиб қолиб, жасадни сувга ташлашга рози бўлмай, автомашинага қайта юклаб, яшаш хонадонига ташлаб кетгани, шундан сўнг жасадни ҳожатхона учун қовлаб қўйилган чуқурга кўмиб қўйгани ҳақидаги;

гувоҳ Ф.Мадрахимовнинг суддаги, 2014 йил 22 май куни қўнғирок қилган И.Илхомова автомашина эҳтиёт қисмларини Оромгоҳ даҳасига ташлаб қўйишини илтимос қилгани учун соат 21:30 ларда ўзига тегишли ВАЗ-2106 русумли 50 М 881 ЕА давлат рақамли автомашинада боргани, И.Илхомова укаси билан қопга солинган буюмни автомашина юкхонасига жойлагани, И.Илхомова билан Оромгоҳ даҳаси ҳудудидан ўтган канал бўйига боришгани, шунда И.Илхомова қопдаги нарсани каналга ташлашни айтгани, И.Илхомова қопни бош томонидан ўзи паст томонидан қўтарганида уни одам жасади эканини билиб қолгани, шунда И.Илхомова турмуш ўртоғи А.Ибрагимовни ўлдириб қўйганини, қопдаги нарса уни жасади эканини айтгани, қўрқиб кетиб, уни сувга ташламаслигини айтиб, қопни юкхонага юклаб, қайтариб И.Илхомовани уйига ташлаб кетгани ҳақидаги;

гувоҳ М.Боймирзаевнинг суддаги, 2014 йил 22 май куни опаси И.Илхомова уни уйғотиб, поччаси А.Ибрагимов компьютер эҳтиёт қисмларини ўғирлаб келганини айтиб, ушбу нарсаларни автомашинага юклашиб қўйишини айтгани, ертўлага тушиб, қопдаги нарсаларни опаси билан қўтариб чиқиб, ташқарида турган “Жигули” автомашинаси юкхонасига юклашгани, опаси И.Илхомова автомашинада кетгани ҳақидаги кўрсатувлари;

суд-тиббий экспертизасининг А.Ибрагимовнинг танасида кўкрак ва қорин сохаларининг очиқ оғир шикасти, жигарни, қорин пардани, аортани кесилиши, шикастдан ва қон кетишидан кейинги қарахтлиқ, бўйин, пастги жағ, ўнг қўл, иккала оёқ, бошни орқа ўнг томонида кесма-санчма яралари, бошнинг юмшоқ тўқимаси остига қоп қуйилиши бўлиб, ўткир кесувчи санчувчи буюм таъсирида етказилган бўлиши, муддати суд тиббий кўрикка қадар бир суткадан ортиқ бўлмаган вақт ичида келиб чиққан бўлиши ва ўлимни келиб чиқишига сабабчи бўлган оғир тан жароҳати гуруҳига кириши, жабрланувчига нисбатан тан жароҳатларининг унга ҳужум қилувчи шахс танасининг олди, иккала ён томонларида турган ҳолатда етказилган бўлиши мумкинлиги, суд кимёвий текширувида унинг қонидан 0,8 фоиз промилли этил спирти борлиги аниқлангани ҳақидаги 2014 йил 23 май куни соат 13:30 да бошланиб, 2014 йил 3 июнда яқунланган 212-сонли хулосаси;

шунингдек юқорида қайд этилган ашёвий ва ёзма далиллар билан рад қилинади.

Юқоридагиларга кўра, кассация инстанцияси судлов ҳайъати ҳукми ўзгаришсиз, кассация шикаятини қаноатлантиришсиз қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 490, 496, 506, 506<sup>1</sup>, 509-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси судлов ҳайъати

**А Ж Р И М Қ И Л Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг 2014 йил 29 октябрдаги [REDACTED] га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, кассация шикояти қаноатлантиришсиз қолдирилсин.

Раислик қилувчи судья

Т.Туракулов

Ҳайъат судьялари

А.Муминов

Д.Ахмадалиева